



HISTORY OF THE ORIGIN OF THE HOUSE ARREST PRECAUTION

Yakubov Ulugbek Sidikzhan ogli

Chortok District Department of internal affairs
chief of the investigation unit

E-mail: yoqubovulugbek@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11241579>

ARTICLE INFO

Received: 14th May 2024

Accepted: 21th May 2024

Online: 22th May 2024

KEYWORDS

House arrest, US, France, Spain, Israeli legislation, electronic control, electronic braset, restrictions.

ABSTRACT

This article covers the origin of the home arrest precaution, the history of the narration and which participants of the Criminal Procedure are subject to the bleeding of certain states.

УЙ ҚАМОҒИ ЭХТИЁТ ЧОРАСИНИНГ КЕЛИБ ЧИҚИШ ТАРИХИ

Ёқубов Улуғбек Сидиқжон ўғли

Чортоқ туман ИИБ ҳузуридаги тергов бўлинмаси бошлиғи

E-mail: yoqubovulugbek@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.11241579>

ARTICLE INFO

Received: 14th May 2024

Accepted: 21th May 2024

Online: 22th May 2024

KEYWORDS

Уй қамоғи, АҚШ, Франция, Испания, Исроил қонунчилиги, электрон назорат, электрон браслет, чекловлар.

ABSTRACT

Мазкур мақолада уй қамоғи эҳтиёт чорасининг келиб чиқиш, риводланиш тарихи ҳамда айрим давлатлар қонучилигига кўра жиноят процессининг қайси иштирокчиларига нисбатан қўлланилиши ёритиб ўтилган

Уй қамоғи эҳтиёт чорасининг келиб чиқиш тарихини ўрганиш мазкур чорани тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларининг келиб чиқиш сабаблари ва уларда юз берган ўзгаришлар, келгусида уларни ривожлантириш каби саволларга жавоб беради.

Барчамизга маълумки, 2014 йил 04 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунга имзо чекди. Мазкур ҳужжат асосида, тўққизта Кодекс, 19 та Қонун ва битта Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексидаги «Эҳтиёт чораларининг турлари» деб номланган 237-моддага «уй қамоғи» ҳам қўшилиб, эҳтиёт чораларининг жами сони еттитадан саккизтага кўпайтирилди.



Мазкур моддага кўра, уй қамоғи гумон қилинувчига, айбланувчига ёки судланувчига нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини танлаш учун асослар мавжуд бўлганида унинг ёшини, соғлиғи ҳолатини, оилавий аҳволини ва бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда қамоққа олиш мақсадга номувофиқ, деб топилган тақдирда қўлланилади.

Уй қамоғи гумон қилинувчининг, айбланувчининг ёки судланувчининг жамиятдан тўлиқ ёхуд қисман ажратиб қўйилиб, ўзи мулкдор, ижарага олувчи сифатида ёки бошқа қонуний асосларда яшаб турган турар жойда тақиқлар (чекловлар) юклатилган, шунингдек, унинг устидан назорат амалга оширилган ҳолда бўлишидир.

Тарихга назар соладиган бўлсак, мазкур эҳтиёт чораси судьялар томонидан 17 асрдаёқ қамоқда сақлаш эҳтиёт чорасига муқобил чора сифатида қўлланила бошланган.

1633 йил Римда физик олим Галилео Галилей суд томонидан Николай Коперникнинг гелиоцентрик назариясини қуллаб-қувватлаганлиги учун умрбод қамоқ жазосига ҳукм қилинади, бироқ кейинчалик мазкур жазо чораси уй қамоғига ўзгартирилиб, умрбод инквизиция назорати ўрнатилади.

АҚШда ва бошқа кўплаб ғарб давлатларида 20 асрнинг охириларигача, яъни кўзатув электрон қўрилмаларни ишлаб чиқишгунга қадар мазкур эҳтиёт чорасини қамоқнинг ўрнига қўлланилмаган.

АҚШ барча жинойт процесси жараёнларида уй қамоғини қўллаш бўйича амалий тажрибага эга. Негаки, илк бора 1983 йилда АҚШнинг Нью-Мексико штатида Олий суд томонидан уй қамоғи эҳтиёт чораси қонунийлаштирилган бўлиб, электрон кўзатув орқали амалга оширилган. “Уй қамоғи” ҳамда “электрон кўзатув” тушунчалари бир бирига тушунчалардир. Негаки, уй қамоғида сақланаётган шахснинг турар жойи тўлиқ электрон кўзатув остига олинади.

Электрон мосламалар нафақат уй қамоғидаги маҳкумларга балки шартли ҳукм қилинган, жазони ўташ муассаларидан муддатидан олдин озод этилган шахсларни назорат қилиш учун ҳам қўлланилади.

Бундан ташқари, АҚШда маҳкум “электрон мониторинг қилиш хизмати” харажатларини ўзи тўлашга мажбур[1].

Мазкур назорат усули “синов муддати”даги шахсларга самаралидир, негаки улар ўзларини доимий равишда назорат остида эканликлари сабабли янги жинойтларни содир этишдан ўзларини чеклайдилар.

Маҳкумнинг доимий яшашдиган тўрар жойга камерали алкотестер ўрнатилиб, унинг мобил телефонига алкотестер трубкасига нафас олиши тўғрисида эслатма келади ва шу вақтда камера маҳкумни суратга олиб полиция ходимларига юборади.

Бошқа ҳолатларда маҳкум ўзи бир кунда 5 маротабагача полицияга қўнғироқ вқилиб ўзининг уйда эканлиги тўғрисида хабар бериши мумкин.

Уй қамоғининг АҚШда қўлланилиши жиноий-ижроия тизимидаги харажатларни қисқартиришнинг самарали усули ҳисобланади. Негаки, битта маҳкумни қамоқда сақлаш учун кетган харажат электрон мониторинг қилиш учун сарфланадиган маблағдан 7 маротаба кўпроқдир.

Бунда маҳкумга браслет кўринишидаги электрон қўрилма тақилиб, мазкур қўрилма орқали доимий равишда GPS сигналлари полиция ходимлари томонидан



ўрнатилагн кўрилмаган доимий равишда ўзатилиб тўрилади. Бундан ташқари, маҳкумга АҚШда айрим жойларга бориш ҳамда айрим шахслар билан учрашиш таъқиқланади. Шунингдек, маҳкумга спиртли ичимликлар, наркотик моддалар истеъмол қилиш, қурол сақлаш қатъиян таъқиқланади. Маҳкумга телефон орқали сўзлашиш вақти ҳам чегарланган бўлиб, вақт суд томонидан ўрнатилади.

Шунингдек, агарда маҳкум “Интернет” тармоғидан фойдаланиш имкониятига эга бўлса, унинг виртуал хаёти полиция ходимлари томонидан доимий назоратга олиниши ҳақида огоҳлантирилади.

Полиция ходимлари маҳкумни сутканинг исталган вақтида белгиланган ҳудуддан чиқиб кетмаганлигини, ўрнатилган кўрилмаларнинг техник созлигини текширишга, турар жойда таъқиқланган нарсалар сақланмаётганлигини текшириш мақсадидда кўздан кечириш ҳуқуқига эга. Бундан ташқари, маҳкум белгиланган вақтларда махсус номерга кўнғироқ қилиб, ўзининг турар жойда эканлиги ҳақида хабар бериб туришга мажбур.

Юқорида кўрсатиб ўтилган чекловлар ташқари, АҚШда уй қамоғи қўлланилган маҳкум яшаш жойини фақатгина суд томонидан белгиланган вақтлардагина тарк эта олади.

Яшаш жойини тарк этиш вақти уй қамоғининг суд томонидан айнан қайси оғирлик даражасидаги уй қамоғи қўлланилганлиги билан боғлиқ. Мисол учун, биринчи оғирлик даражасидаги уй қамоғида фақат суд томонидан белгиланган вақтда яшаш жойини тарк этмаслиги, бошқа исталган вақтда яшаш жойидан кетиши мумкин бўлиб, иккинчи оғирлик даражасидаги уй қамоғида эса белгиланган вақтларда фақат ўқиш, ишлаш, адвокат билан учрашиш ва суд томонидан белгиланган бошқа жойларгагина бориш учун яшаш жойини тарк этиши мумкин. Учинчи оғирлик даражасидаги уй қамоғида эса, маҳкум доимий равишда яшаш жойида бўлиши, фақатгина даволаш муассаларига, суд органларига ва суднинг қарорида кўрсатилган бошқа тадбирларга бориш учун тарк этиши мумкин.

Европа давлатларида уй қамоғи нафақат эҳтиёт чораси балки, жазо чораси сифатида шартли ҳукм қилинган шахсларга нисбатан қўлланилади. Уй қамоғини қўллаш бўйича Франция ўзига хос хусусиятларга эга. Уй қамоғига ҳукм қилинган шахс ишлаши, шу билан бирга кинотеатрларга бориши, дустлари билан учрашиши мумкин. Бироқ, кечки вақтда ҳамда дам олиш кунлари яшаш жойидан чиқмаслиги лозим. Францияда уй қамоғини озодликдан маҳрум этиш муассаларида тайинланган жазонинг ярмини ўтаб бўлганларидан сўнг, ўз яшаш уйларида оёқларида электрон браслет тақилган холда ўтайдилар.

Испанияда уй қамоғи Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигида кўрсатиб ўтилмаган, бироқ мазкур давлатда оғир жиноятлар содир этган шахслардан бошқа шасхларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазосини ўташ муассаларидан бошқа жойларга мажбуран вақтинча жойлаштириш чораси мавжуд[2]. Мазкур мажбурий жойлаштириш 12 кундан ошмаслиги лозим. Испан судлари томонидан мазкур чора қўлланилиши камайган, негаки, ҳудуддий чекловни бузиш ҳолатлари жуда ҳам кўп учраётганлигидир.



Хитой Ҳалқ Республикаси қонунчилигида уй қамоғи мавжуд бўлмасда, шахсни кафилликка топшириш ва унинг яшаш жойини кўзатувга олиш каби чоралар кўрсатиб ўтилган. Мазкур чоралар жамоат хавфсизлиги органлари томонидан қўлланилиб, бир нечта босқиндан иборат. Биринчи босқичда, гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан кафиллик ва кўзатувга олиш чоралари бир вақтнинг ўзида қўлланилади, иккинчи босқичда эса, гумон қилинувчи, айбланувчи гаров киритиши лозим бўлади.

Хитой Ҳалқ Республикасида уй қамоғи жиноят содир этган амалдорларга нисбатан бошқача тартибда қўлланилади, уларни биринчи босқичда махсус қўриқланадиган мехмонхоналарга жойлаштирилиб, уларга ажратилган хоналардан чиқмаслиги белгиланади. Шунингдек, мазкур давлатда уч хил даражадаги чекловлар мавжуд бўлиб, энг энгил даражаси “джужу” хисобланиб, чекловлар унинг яшаш туманида ўрнатилади[3].

Исроил давлати қонунчилигида кўра, уй қамоғи махкумнинг яшаш жойида, ёки бошқа жойда ўталиши мумкинлиги белгиланган.

СССР таркибида бўлган давлатлардан, 1997 йил 13 декабрь куни Қозоғистон Республикаси илк бора уй қамоғини жорий қилган бўлиб, кейинчалик 1999 йил 16 июль куни Беларусь Республикаси, 2000 йил 14 июль куни Озорбайжон Республикаси каби давлатлар жиноят процессуал қонунчилигига киритган.

Россия империясида 19 аср бошларида уй қамоғи “Жиноий суд ишларини юритиш Низоми”да кўрсатиб ўтилган бўлиб[4], суднинг ёки маъмурий органнинг ихтиёрига кўра зодагонлар ва амалдорларга нисбатан қисқа муддатли қамоқ назарда тутилган қоидабузарликларни содир этганида қўлланилган. Аммо жазо чорасини ўташ тартиби қонун билан тартибга солинмаган.

АҚШдан ташқари Швейцарияда ҳам уй қамоғи жазо чораси сифатида қўлланилади. Махкумга махсус датчик ўрнатилиб, у доимий равишда полиция ходимларига махкумнинг жойлашуви тўғрисида хабар бериб туради. Махкумга тўрар жойдан чиқишга рухсат берилади, бироқ фақатгина олдиндан белгиланган йўналиш бўйича ҳаракатланади[5].

Швецияда ҳам уй қамоғи бошқа кўплаб хориж давлатларидаги каби жазо чораси сифатида қўлланилади. Мазкур жазо чораси биринчи навбатда 3 ойгача озодликдан махрум қилинган шахсларга нисбатан қўлланилади[6].

Германияда эса мазкур жазо тури фақатгина махкумнинг розилиги асосида қўлланилади. Рози бўлган ҳолларда махкум хафтасига камида 20 соат фойдали жамоат ишлари билан шуғулланиш мажбуриятини олади[7].

Буюк Британия уй қамоғи вояга етмаган жиноятчиларга кенг қўлланиладиган жазо тури хисобланади, қонунга кўра уй қамоғи 10 ёшгача бўлган махкумларга нисбатан қўлланилади.

Агарда тарихга назар соладиган бўлсак, ҳукумат вакиллари мазкур эҳтиёт чорани кўпроқ давлат тўнтариши натижасида бошқарувдан тушган сиёсий лидерларга нисбатан қўллаган, ҳамда бу эҳтиёт чораси оддий жиноятчиларга қўллаш кенг тарқалмаган. Мисол учун, Алжирда 1965 йилда собиқ Алжир президенти Ахмед Бен Беллаган нисбатан 1980 йилгача сургун қилингунга қадар қўлланилган.



Аргентинада қисқа муддатга Аргентина собиқ диктатори Хорхе Видела уй қамоғида сақланган.

Австралияда янгизелландиялик Деррин Хич 5 ой муддатга жиноят иши бўйича ошкор қилмаслик қарорини бажармаганлиги учун.

Камбоджа собиқ Камбоджа бош вазири Пол Пот 1998 йилда уй қамоғи қўлланилаган.

Чили 2005 йилда собиқ диктатор Аугусто Пиночет Чили Олий суди хукмига кўра уй қамоғи қўлланилган.

Хитой Ҳалқ Республикаси Хитой коммунистик партиясининг бош котиби лавозимидан озод этилган Чжао Цзиянь Тяньаньмэнь майдонида бўлиб ўтган оммавий тартибсизликлардан сўнг умрининг охириги 16 йилини уй қамоғида ўтказди. Коммунистик партиянинг Бош офиси томонидан унинг Хитойнинг турли хил жойларида эркин ҳаракатланиши ва гольф уйини уйнаши таъқиқлаб қўйилади.

Хитой Республикаси Чан Кайшининг буйруғига кўра Шимоли-шарқий армия қумондони, Манжурия давлати раҳбари Чжан Сюэлян Сиань ходисасидан сўнг 1989 йилдан 2005 йилгача 15 йил уй қамоғида сақланган.

Миср собиқ президенти Мухаммад Нагибга нисбатан 1954 йилда уй қамоғи қўлланилган.

Италияда уй қамоғи гумон қилинувчиларни ушлаб туриш, ахлоқ тўзатиш муассасаларида жазо муддати тугашига яқинлашиб қолган ёки соғлиғи холати ёмонлашган жиноятчиларга нисбатан қўлланилган.

Сингапур, прапарламентнинг собиқ аъзоси Чиа Тай По айб эълон қилинмасдан 1966 йилдан 1989 йилгача қамоқда, сўнг эса 9 йил уй қамоғида сақланган.

Собиқ иттифоқ

Николай 2, унинг турмуш ўртоғи, 4 нафар қизи ва ўғли 1917-1918 йй. уй қамоғида сақланган.

Николай Хрушев 1964 йилда хокимиятдан кетганидан сўнг 7 йил умрининг охиригача уй қамоғида сақланган.

Собиқ Тунис президенти Хабиб Бургиба ва собиқ Тунис қироли Мухаммад 8 аль-амин уй қамоғида сақланган.

Юқориги кўрсатиб ўтилганлардан айтиб ўтиш жоизки, барча давлатрларда уй қамоғини қўллаш амалиёти ўзининг ижобий ҳамда салбий жихатларига эга. Ўзбекистон Республикасида эҳтиёт чоралари тизимига уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасининг киритилиши жиноят содир этган шахсларнинг ижтимоий мослашувига қулай шароитлар яратилиши билан бир қаторда, оилаларни сақлаб қолиш, ноҳўя қилмиш содир этган шахсга ўз оиласи бағрида бўлган вақтда тегишли хулоса чиқариб олишга, қамоқдаги шахслар сонининг камайишига хизмат қилади.

References:

1. Мусиенко Д.И. Система электронного контроля лиц./Д.И.Мусиенко// Современная специальная техника. – 2012.-№ 30.-С. 128-14\31.



2. Борсученко С.А. Система наказания по Уголовному кодексу Испании // Уголовно-исполнительное право .2017. Т. 12. №3. С. 336-341.
3. Домашний арест [Электронный ресурс] :Википедия. Свободная энциклопедия. [http:// ru.wikipedia.org/wiki](http://ru.wikipedia.org/wiki).
4. Трунова, Л. Домашний арест как мера пресечения. URL: <http://www.lawmix.ru>
5. Дидюк И.Л. Применение электронных средств контроля: сравнительный анализ /И.Л.Дидюк // Борьба с организованной преступностью и коррупцией (теория и практика). – 2014. - № 1. – С. 159-160.
6. Тимофеева Е.А., Мотин О.А. К вопросу о зарубежной практике применения системы электронного мониторинга подконтрольных лиц / Е.А.Тимофеева, О.А.Мотин // Пенитенциарная наука. – 2014.-№ 4 (28). –С. 88-94.
7. Голубцова К.И. Особенности системы электронного мониторинга подконтрольных лиц в зарубежных странах / К.И.Голубцова // Вестник Кузбасского инст.